

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАСИМОВ УМЕДИЛЛО САЛИМОВИЧ**

**СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗА  
ЭКИНИДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
УСУЛЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**06.01.04-«Агрокимё»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации на соискание ученой степени  
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD) dissertation doctoral on agricultural  
sciences**

**Касимов Умедилло Салимович**

Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўза экинида минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш усуллари (Тошкент вилояти мисолида)..... 3

**Касимов Умедилло Салимович**

Способы повышения эффективности минеральных удобрений при посеве хлопчатника в условиях орошаемых типичных сероземов (на примере Ташкентской области) ..... 21

**Kasimov Umedillo Salimovich**

The methods of increasing teffectiveness of mineral fertilizers when sowing cotton in irrigated typical gray soils conditions (in the example Tashkent region) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАСИМОВ УМЕДИЛЛО САЛИМОВИЧ**

**СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗА  
ЭКИНИДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
УСУЛЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**06.01.04-«Агрокимё»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Qx1499 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетиде бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саттаров Жўра Сатторович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Назирбай Мадримович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Урганч давлат университети

**Каримов Хусниддин Нагимович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим  
Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик  
ва виночилик илмий-тадқиқот институти

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳузуридаги DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент ш. Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz)).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.М.Бобомуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
б.ф.д., катта илмий ходим

**Ж.М.Кўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

**Н.Ю.Абдурахмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинарга раислик қилувчи  
б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда «дунёда тропик ва субтропик минтақаларда жойлашган 97 та мамлакатда 2023 йилда жами 27,3 млн. тонна пахта толаси етиштирилиб<sup>1</sup>, 177 та давлатга импорт қилинган. Бунда, қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, ғўза ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитларнинг ўрни бекиёс эканлиги таъкидланади. Жорий йилда дунё бўйича минерал ўғит ишлаб чиқариш ҳажми 182,7 млн. тоннага етганлиги ҳам бежиз эмас»<sup>2</sup>. Мазкур ишлаб чиқилган минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш лозим. Шунинг учун ҳам ғўзага минерал ва органик ўғитларни мақбул меъёр, муддат ва нисбатларда қўллаш, бунда, нав хусусиятлари, тупроқ хосса-хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг пахта толаси етиштирувчи илғор давлатларида, жумладан, Хитой, Ҳинистон, АҚШ, Покистон, Бразилия ва бошқа давлатларида минерал ўғитларни тупроқ унумдорлигига таъсири ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган устувор йўналишларда кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган майдонларининг агрокимёвий хоссаларини аниқлаш асосида минерал ўғитларнинг самарадорлигини оширишда ғўзада қўллашнинг мақбул муддатларини аниқлаш, ғўзани озика элементларига бўлган талабини қондириш, ўғитлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш ҳамда пахтанинг технологик сифат кўрсаткичларига ва иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, ғўза ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш имкониятларини ўрганишга қаратилган кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «...тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўғитдан фойдаланишнинг самарали тизимини жорий этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва янада ошириш чораларини кўриш»<sup>3</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»нинг 30 мақсадида «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 барабар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш»<sup>4</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига мос ўғитлаш тизимини ишлаб чиқиш асосида экинлардан, хусусан, ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> <https://www.agroinvestor.ru> 2020

<sup>2</sup> <https://www.agroinvestor.ru> 2020

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги №60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги ЎРҚ-903-сон «Тупрокни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308-сон «Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг кўшимча ташкилий чоратadbирлари тўғрисида»ги ва 2024 йил 13 февралдаги ПҚ-71-сон «Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишни кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чоратadbирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғўза ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашга қаратилган ўғитларни кўллашнинг маъқбул муддати, меъёри ва нисбатлари ҳамда уларни аниқлашга қаратилган илмий тадқиқот ишлар бир қатор хорижлик олимлар S.M.Eissa, J.N.Jenkins, S.E.Vaughan, J.V.Radin, S.K.Sell, J.V.Rordon, Д.Н.Прянишников, Б.П.Мачигин, С.А.Кудрин, П.В.Протасовлар ҳамда республика олимлари И.А.Белоусов, Г.И.Яравенко, И.И.Мадраимов, Б.Х.Тиллабеков, Қ.М.Мирзажонов, Т.П.Пироҳунов, Д.С.Саттаров, Х.Т.Ризқиева, А.И.Имомалиев, Б.П.Назаров, Ф.К.Қодирхўжаев, Э.Шерматов, Ф.Х.Хошимов, Н.Ибрагимов, Б.И.Ниязалиев, А.Л.Санакулов, Х.Н.Каримов, А.Ж.Баиров, А.А.Каримбердиева, Ж.М.Кўзиев ва бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган. Лекин, Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда ўғитлардан самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-45 «Суғориладиган тупроқларда тупроқ эритмаси концентрациясини, таркибини, осматик босимини, мувозанатлилигини ўрганиш асосида уни ўсимликлар озикаланиши учун муқобиллаш усулини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги фундаментал ҳамда Тупроқшунослик кафедрасининг «Ўзбекистон тупроқларининг генезиси, географияси, эволюцияси, агромелиоратив хоссалари, уни тиклаш, сақлаш, унумдорлигини ошириш йўналиши ва муҳофазаси» (2000-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўза етиштиришда минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

минерал ҳамда органик ўғитларни алоҳида ва биргаликда қўллашнинг гумус, умумий ва ҳаракатчан NPK шаклдаги миқдорларига таъсирини аниқлаш;

ғўза навларини ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларининг шаклланишига, ҳосилдорлигига минерал ва органик ўғитларни алоҳида ҳамда биргаликда қўллашнинг таъсирини аниқлаш;

анъанавий ва қисқартирилган (шудгор остига, экишдан олдин) муддатларда минерал ўғитлар қўллашнинг тупроқ таркибидаги гумус, умумий ҳамда ҳаракатчан озика элементлар миқдорига ҳамда ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларининг шаклланиши, ҳосилдорлиги ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

анъанавий ва қисқартирилган муддатларда қўлланилган ўғитларни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўза етиштиришда минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш усуллариини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари, минерал ва органик ўғитлар, ғўзанинг «Наманган-77», «С-6524», «Султон», «Бухоро-6», «Андижон-37» навлари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** минерал ҳамда органик ўғитларни алоҳида ва биргаликда қўллаш, анъанавий ва қисқартирилган (шудгор остига, экишдан олдин) муддатларда минерал ўғитларни қўллашнинг, тупроқ ва ўсимликлардаги азот, фосфор, калий элементлари, озика элементлар баланси, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги, технологик сифат кўрсаткичлари, иқтисодий самарадорлиги, ғўза навларининг минерал ўғитлар меъёри ва нисбатига муносабати ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала тажрибаларида фенологик кузатув ва биометрик ўлчов ишлари, ҳисоб-китоблар, ўсимлик ва тупроқ намуналарини олиш тизимларидан иборат; бунда, «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» бўйича, кимёвий таҳлиллар «Методы определения макро и микроэлементов в растениях, почве и воде», «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии», услубий кўрсатмалари асосида, олинган маълумотларнинг вариацион-статистик таҳлиллари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси ва Microsoft Excel дастури асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

минерал ўғитлар самарадорлигини оширишда ғўзага амалда қўлланилаётган минерал ўғитларга нисбатан уларни алоҳида ва органик ўғитлар билан биргаликда қўллаш ( $N_{250}P_{180}K_{140}$  кг/га + 20 т/га гўнг) нинг маъқбул меъёрлари аниқланган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида (сизот сувлари сатҳи 5 метрдан пастда) минерал ўғитларни анъанавий (амалдаги) усулда қўллашга нисбатан қисқартирилган муддатда (шудгор остига ва экиш олдидан) қўлланилганда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигида кескин фарқ кузатилмасда, бироқ 6-7 кун барвақт пишиши аниқланган;

ғўза навларига минерал ўғитларнинг турли меъёр ва нисбатда қўллаб, унинг реакцияси ҳосилдорлик бўйича баҳоланганда, энг юқори кўрсаткич «С-6524», «Султон», «Наманган-77» навларида, энг паст кўрсаткич эса «Бухоро-6», «Андижон-37» навларида эканлиги аниқланган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўза етиштиришда минерал ўғитларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф қилинган усулларнинг тупроқ озик ва ўсимлик озикланиш режимига мақбул таъсири исботланган;

минерал ва органик ўғитларни биргаликда ҳамда минерал ўғитларни қисқартирилган (икки) муддатларда қўлланилганда назоратга (таққосланадиган шароитга) нисбатан 20 ц/га юқори ҳосил шакллантирилиб, рентабеллик 17 фоизга ошириш мумкинлиги исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида минерал ва органик ўғитларни ( $N_{250}P_{180}K_{140}$  кг/га + 20 т/га гўнг) биргаликда қўлланганда энг юқори кўрсаткичлар қайд этилиб, ғўзанинг «Наманган-77» ва «С-6524» навларида мос равишда ҳосилдорлик 42,5, 43,6 ц/га, тола узунлиги 35,1, 34,1 мм ни, тола чиқими 35,1, 34,1 фоизни ташкил этганлиги аниқланган;

минерал ва органик ўғитларни ( $N_{250}P_{180}K_{140}$  кг/га + 20 т/га гўнг) биргаликда қўллаш (шудгор остига гўнгни 20 т/га; фосфор 70%, калий 50%; экишдан олдин азот 30%, 3-4 чин барг даврида азот, фосфор, калий 30 фоиздан; шоналаш даврида азот ва калий 20 фоиздан; гуллаш даврида азот 20%) бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўзага минерал ўғитларни анъанавий ва қисқартирилган (шудгор остидан 70% ва экиш билан бирга 30%) муддатларда қўлланганда ҳосилдорлик мос равишда 42,2, 42,7 ц/га ни ташкил этиб, анъанавийга нисбатан қисқартирилган муддатларда минерал ўғитлар қўлланилганда 6-7 кун барвақт пишиши ва сарф-харажатлар тежалишига эришилган бўлиб, бу бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўза навларининг турли ўғит меъёрларига талабчанлиги аниқланиб, энг мақбул меъёр  $N_{250}P_{150}K_{150}$  кг/га қўлланилганда эканлиги, яъни бунда навлар («Бухоро-6»→«Андижон-37»→«Наманган-77»→«Султон»→«С-6524») кесимида ҳосилдорлик кўрсаткичи 30,32-36,39 ц/га оралиғида тебраниб, бошқа навларга нисбатан «С-6524» навининг барча кўрсаткичларининг юқорилиги бўйича фарқланиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар ТАТИ ва ПСУЕАИТИ қабул қилинган услублар асосида ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мослиги, олинган натижа ва хулосалар асосланганлиги, натижаларни амалиётга жорий қилинганлиги, маълумотларга вариацион-статистик ишлов берилганлиги, олинган натижаларнинг ҳалқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий нашрларида чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида минерал ва органик ўғитларни биргаликда қўллашнинг маъқбул меъёрлари ишлаб чиқилганлиги, минерал ўғитларни амалдаги (анъанавий усули) қўллашга нисбатан қисқартирилган муддатда (шудгор остига ва экиш олдида) қўллашнинг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги, пишиш тезлигига ижобий таъсири исботланган, ўғитларнинг тупроқ ва ўсимлик озика режимига таъсири аниқланганлиги, ғўза навларини минерал ўғитларнинг турли меъёр ва нисбатига реакцияси бўйича энг юқори кўрсаткичи аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида минерал ва органик ўғитларни ( $N_{250}P_{180}K_{140}$  кг/га + 20 т/га гўнг) биргаликда (шудгор остига гўнгни 20 т/га; фосфорни 70 фоизи ва калийни 50 фоизи; экишдан олдин азотни 30 фоизи, 3-4 чин барг даврида азот, фосфор, калийни 30 фоизини; шоналаш даврида азот ва калийни 20 фоизини; гуллаш даврида азот 20 фоизини) қўлланганда энг юқори кўрсаткичлар қайд этилиб, ғўзанинг «Наманган-77» ва «С-6524» навиларида ҳосилдорлик 42,5, 43,6 ц/га, тола узунлиги 35,1, 34,1 мм ни, тола чиқими 35,1, 34,1 фоизни ташкил этганлиги, шунингдек, минерал ўғитларни анъанавий ва қисқартирилган (шудгор остидан 70% ва экиш билан бирга 30%) муддатларда ғўзага қўлланганда ҳосилдорлик 42,2, 42,7 ц/га ни ташкил этиб, анъанавийга нисбатан қисқартирилган муддатларда 6-7 кун эрта пишиши ва сарф-харажатлар тежалишига эришилган, ғўза навларининг турли ўғит меъёрларига талабчанлиги кўра, энг маъқбул ўғит меъёри  $N_{250}P_{150}K_{150}$  кг/га кузатилди, бунда, навлар («Бухоро-6»→«Андижон-37»→«Наманган-77»→«Султон»→«С-6524») кесимида ҳосилдорлик кўрсаткичи 30,32-36,39 ц/га оралиғида тебраниши, бошқа навларга нисбатан «С-6524» навининг барча кўрсаткичларининг устун бўлганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўза экинида минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш усуллари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

«Суғориладиган типик бўз тупроқларда ғўзага минерал ва органик ўғитларни биргаликда қўллаш бўйича тавсиялар» ҳамда «Минерал ўғитларни икки муддатда қўллаш бўйича тавсиялар» Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 мартдаги 02/025-1048-сон маълумотномаси). Натижада, пахтачиликка ихтисослашган кластер ва фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилган;

суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ғўзада минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш имконини берувчи минерал ва органик ўғитлар биргаликда қўллаш ( $N_{250}P_{180}K_{125}$  кг/га +20 т/га) меъёри Тошкент вилояти Бекобод туманида 12,0 га майдонда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 мартдаги 02/025-1048-сон маълумотномаси). Натижада, ғўзадан ўртача 39,2 ц/га пахта ҳосили олинган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўза учун мақбул ўғит меъёри ( $N_{300}P_{210}K_{150}$  кг/га) ва уни 2 муддатда (шудгор остига 70% ва экиш билан 30%) қисқартириб қўллаш ишланмаси Тошкент вилояти Янгийўл тумани «Омадли Рустамбек» фермер хўжалигида 7,0 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 мартдаги 02/025-1048-сон маълумотномаси). Натижада, анъанавий шароитга нисбатан ўғит самарадорлиги пасаймаган ҳолда, 6-7 кун эрта пишган, ҳосилдорлик 42,1 ц/га ни ташкил қилган, сарф-ҳаражатлар тежалган, рентабеллик даражаси 18 фоизни ташкил этган;

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида парваришланган ғўза навларига минерал ўғитларнинг қўллаш усули Тошкент вилояти Пскент туманида 10,0 га майдонда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 27 мартдаги 02/025-1048-сон маълумотномаси). Натижада, минерал ўғит реакцияси бўйича энг юқори кўрсаткич «С-6524» навида кузатилган, ҳосилдорлиги 35,9 ц/га ни ташкил этган, толанинг технологик кўрсаткичлари яхшиланган, рентабеллик даражаси эса 10 фоизни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий- амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шундан, 2 та тавсиянома, 2 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технолигияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш бўйича илмий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ҳорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлили ёритилган. Бунда, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, минерал ва органик ўғитларни ғўза самарадорлиги бўйича ўтказилган тадқиқотлар юзасидан аввалги ўтказилган илмий-тадқиқот маълумотлари келтирилган. Ҳар бир ғўза нави учун мақбул ўғит меъёрини ва муддатини аниқлаш, ўғитни қисқа муддатларда қўллашга қаратилган илмий тадқиқотлар етарлича ўрганилмаганлиги, шунингдек, минерал ва органик ўғитларни биргаликда пахтачиликда қўллаш, минерал ўғитларни қўллаш муддатларига ҳамда ғўза навларини талабига асосланиб такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот олиб бориш шароити ва услуби**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг иқлими, тупроқлари ва ғўза навлари тавсифи ҳамда тадқиқот олиб бориш услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот объекти Ўзбекистон Миллий университети Ботаника ўқув-илмий маркази Чирчиқ-Келес водийси Тошкент вилоятининг шимолий-ғарбий қисмида жойлашганлиги, денгиз сатҳидан баландлиги 450-500 метр, ер ости сизот сувлари сатҳи 14-15 метр чуқурликда жойлашганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот объекти тупроғида гумус миқдори бутун профил бўйича сезиларли даражада кўп (1,05%), ҳайдалма қатламда умумий азот 0,088%, умумий фосфор 0,14% ва умумий калий 1,32 фоизни ташкил этади. Ҳаракатчан фосфор (23,0) ва алмашинадиган калий билан (180,6 мг/кг) ўртача таъминланган. Ҳаракатчан азот  $N-NH_4+N-NO_3$  миқдори 42,10 мг/кг ни ташкил қилади.

**1-тажриба.** *Минерал ўғитларни алоҳида ва органик ўғитлар билан биргаликда қўллаш.* Ғўзани «С-6524» ва «Наманган-77» навларида минерал ва органик ўғитларни биргаликда қўллаш бўйича дала тажрибаси 2003-2005 йилларда олиб борилди. Дала тажрибаси кўп омилли бўлиб беш хил озикаланиш фонида 4 такрорликда ўтказилди.

**2-тажриба.** *Минерал ўғитлар самарадорлигини ўғитларни қўллаш муддатларига боғлиқлиги.* Ғўзани «Наманган-77» навида минерал ўғитларни қўллаш муддатлари ва технолигияларини ўғитлаш самарадорлигига таъсири

бўйича тажрибалар бир-биридан фақат ўғит қўллаш муддатлари билан фарқ қилади. А-омил ўғит шудгор остига, экишдан олдин ва вегетация давомида, Б-омилда эса шудгор остига ва экишдан олдин икки муддатда қўлланилди. Дала тажрибаси 2012-2016 йилларда уч хил озикаланиш фонида олиб борилди.

**3-Тажриба.** *Минерал ўғитларнинг гўза навларини ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш.* Турли гўза («Наманган-77», «С-6524», «Султон», «Бухоро-6», «Андижон-37») навларнинг минерал ўғитларга бўлган талабини ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар суғориладиган типик бўз тупроқларда беш хил озикаланиш фонида 4 такрорликда ўтказилди.

Дала тажрибаси, фенологик кузатувлар, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш услублари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари») қўлланмаларига асосан олиб борилди. Дала тажрибаларининг натижалари асосида олинган маълумотларга вариацион-статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов услубида ҳамда «Microsoft Excel» дастури ёрдамида таҳлил қилинган.

Дисретациянинг «**Минерал ва органик ўғитларни биргаликда қўллашни минерал ўғитлар самарадорлигини оширишдаги роли**» деб номланган учинчи боби олтита бўлимни ўз ичига олган бўлиб, 1 ва 2 бўлимларида минерал ўғитларни алоҳида ҳамда органик ўғитлар билан биргаликда қўллашнинг тупроқ таркибидаги гумус, умумий азот, фосфор ва калий ҳамда тупроқ таркибидаги ҳаракатчан озика элементлар миқдори таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Минерал ўғитларга гектарига 20 т ҳисобида гўнг қўлланилган 5-вариантда ҳайдалма қатламда гумус 1,23 фоизни, ҳайдалма ости қатламида эса 0,9 фоизни ташкил қилади. Бу ҳайдалма қатламда назорат вариантга нисбатан 0,05 фоиз, фақат минерал ўғит қўлланган 2, 3-вариантларга нисбатан эса 0,02 фоизга юқори кўрсаткич кузатилди. Назорат (ўғитсиз) варианты тупроқларининг юқори (0-30 см) қатламида умумий азот дастлабки ҳолатда 0,093 фоизни ташкил этган бўлса, 3 йилдан кейин 0,089% ташкил қилди. 5-вариантда эса энг юқори 0,123 фоизни ташкил қилган. Тупроқ таркибидаги азот режимини мувофиқлаштириш учун минерал ўғитларни органик ўғитлар билан биргаликда қўллаш ижобий самара бериши аниқланди. Назорат (ўғитсиз) вариантыда ўғитлашдан олдин нитрат ва аммоний шаклидаги азот миқдори 15,6 ва 23,4 мг/кг бўлган бўлса, 2-3 чинбарг даврида унинг миқдори янада ортиб бориб, пишиш фазасида нитрат ва аммоний азот шаклидаги миқдорлари мос равишда 16,4 ва 14,7 мг/кг гача камайди. Дастлабки ҳолатда барча вариантларда деярли бир хил нитрат ва аммоний азоти кузатилди. Ўғит меъёри ва нисбатига боғлиқ ҳолда ўзгариб борди, энг юқори 5-вариантнинг ҳайдалма қатламида  $N-NO_3$ —15,4–31,2 мг/кг,  $N-NH_4$  —23,5–40,1 мг/кг орасида пишиш даврида кузатилди. Ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий миқдорлари 5-вариантда фосфор 2-3 чин барг чиқариш даврида 46,2 мг/кг ни, алмашинувчан калий 272,3 мг/кг ни ташкил этди.

Ушбу бобнинг 4 ва 5 бўлимларида ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига минерал ҳамда органик ўғитларни таъсири бўйича фенологик кузатувлар маълумотлари келтирилган бўлиб, унга кўра, назорат вариантыда (1.08 да) ғўза бош поясининг баландлиги «С-6524» навида 71,5 см ҳосил шохлари сони 8,5 донада ва кўсаклар сони (1.09 да) 8,6 донага, «Наманган-77» навининг ўсимлик бўйи (1.08 да) 72,0 см, ҳосил шохлари сони 7,7 донада ва кўсаклар сони (1.09 да) 7,7 дона эканлиги аниқланди. Фақат минерал ўғитлар қўлланилган учинчи вариантда (1.08 да) ғўза бош поясининг баландлиги «С-6524» навида 90,7 см, ҳосил шохлари сони 13 дона, кўсаклар сони (1.09 да) 11,5 дона, «Наманган-77» навида ўсимлик бўйи (1.08 да) 83,7 см, ҳосил шохлари сони 11,8 дона, кўсаклар сони (1.09 да) 10,4 дона бўлди. Минерал ва органик ўғитлар биргаликда қўлланилган бешинчи вариантда (1.08 да) ғўза бош поясининг баландлиги «С-6524» навида 90,0 см, ҳосил шохлари сони 13,6 дона ва кўсаклар сони (1.09 да) 14,2 дона, «Наманган-77» навининг ўсимлик бўйи (1.08 да) 92,3 см, ҳосил шохлари сони 13,3 дона ва кўсаклар сони (1.09 да) 13,6 донани ташкил қилди.

Ғўза навлари ҳосилдорлиги вариантлар бўйича ўзгариб борди, энг кам ҳосил назорат вариантыда «Наманган-77» навидан 13,4 ц/га, «С-6524» навидан эса ўртача 13,9 ц/га ҳосил олинди. Гектарига фақат минерал ўғитлар  $N_{250}P_{180}K_{125}$  кг/га қўлланилганда 3-вариантда ўртача «С-6524» ва «Наманган-77» навларида мос равишда 37,0-36,4 ц дан ҳосил олишга эришилди.

Маълумот натижаларини асослайдиган бўлсак, «Наманган-77» ғўза нави бўйича ҳам натижалар «С-6524» навидаги сингари бўлганини, бироқ кўрсаткичларнинг «С-6524» навидан ўғитли вариантларда бироз камлиги аниқланди. Бу ҳолат назорат вариантыда сезиларсиз фарқ 0,5 ц/га бўлган бўлса, 2, 4, 5 - вариантларда «Наманган-77» ғўза навида ҳосил 0,6 ц/га дан 1,3 ц/га га кам бўлди.

Умуман минерал ва органик ўғитларни биргаликда, хусусан,  $N_{250}P_{180}K_{125} + 20$  т/га гўнг қўлланилганда суғориладиган типик бўз тупроқларда озика режимининг қулай тартибда бўлиши таъминланиб, «Наманган-77» навидан 42,5 ц/га, «С-6524» навидан эса 43,6 ц/га дан юқори ва сифатли ҳосил олиш имкони яратилади.

Диссертациянинг **«Минерал ўғит самарадорлигини минерал ўғитларни қўллаш муддатларига боғлиқлиги»** деб номланган тўртинчи боби 5 бўлимни ўз ичига олган бўлиб, *«Турли муддатларда минерал ўғитларни қўллашни тупроқни чиринди ва умумий азот, фосфор ва калий миқдорига таъсири»* деб номланган биринчи бўлимида ҳар иккала омилларни таъсири тупроқни гумус миқдорига деярли бир хил, яъни ҳеч қанадай салбий таъсир этмаган. Минерал ўғитларни турли муддатларда қўллашни тупроқдаги умумий азот, фосфор ва калий миқдорига таъсири беш йиллик стационар тажрибалардан сўнг, тупроқдаги умумий озика элементлари (NPK) деярли бир хил бўлганлиги сезиларли ўзгармаганлиги аниқланди. Мазкур бобнинг

«Тупроқдаги ҳаракатчан шаклдаги азот, фосфор ва калий динамикаси» деб номланган 2, 3 ва 4 бўлимларида минерал ўғитлар таъсирида тупроқнинг ҳайдалма қатламида ҳаракатчан озика элементлар динамикаси бўйича маълумотлар келтирилган. Эрта баҳорда тупроқда аммонификация жараёни устунлик қилганлиги (ғўзани 3-4 чин барг даврида), кейинги фазаларда азотли ўғитлар меъёрини ошиб бориши нитрат шаклдаги азот миқдорини ошишига сабаб бўлди. 2016-йилда ғўзани шоналаш даврида минерал ўғитлар энг кўп ( $N_{300}P_{210}K_{150}$  кг/га) миқдорда қўлланилган вариантда  $N-NO_3$  миқдори Б омилда (ўғит шудгор остига ва экишдан олдин берилганда) 26,7 мг/кг ни, А омилда (ўғит беш муддатда берилган) эса 25,6 мг/кг ни ташкил этганлиги аниқланди. Вегетация охирида тупроқдаги аммоний нитрат азот аввалги бошланғич ҳолатига тушганлиги кузатилди.

2016 йилда ғўзани гуллаш даврида ҳаракатчан фосфор 210 кг/га миқдорда қўлланилган 3-вариантда А омилда 42,2 мг/кг ни, Б омилда 43,0 мг/кг ни ташкил этганлиги ва ниҳоят аниқлашнинг барча муддатларида ва вариантларида тупроқнинг 0-30 см қатламида алмашинувчан калий миқдори кўп бўлиши кузатилди. Ушбу бобнинг «Ўғит қўллаш муддатларини ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига, шунингдек, ғўза толасининг технологик кўрсаткичларига таъсири» деб номланган 5, 6 ва 7 бўлимларида минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёри ва қўллаш муддатлари таъсирида ғўзани ўсиши ривожланиши, ҳосилдорлиги ва толанинг технологик кўрсаткичларига таъсири ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича фенологик кузатувлар натижаларига кўра, бош поянинг бўйи ҳамда ҳосил шохлари 2012 йил 1 июль ва 1 августдаги кузатувларда 3-вариантда А омилда 47,0-78,2 см ни, Б омилда эса 47,7-77,6 см ни ташкил қилди. Ҳосил шохларини пайдо бўлиши бўйича шу вақтдаги олинган маълумотлар А омилда 12,7 ва Б омилда эса 13,6 донани ташкил этди. Минерал ўғитларни ҳар хил муддатда ва меъёрда ғўзани генотипик органларидан кўсаклар шаклланишига таъсири 2012 йил 1 августда А омил 1-вариантда 6,9 дона, 2 ва 3-вариантларда мос равишда 7,5 ва 7,8 донадан кўсак шаклланган. Б омилда 1-вариантда 6,5 дона кўсак, 2 ва 3-вариантда эса мутаносиб равишда 7,8 ва 8,0 донадан кўсак шаклланди. Тадқиқот олиб борилган барча йилларда ғўзада шаклланган кўсаклар сони А ва Б омилларда сезиларсиз бир маромда бўлиб, меъёрларни юқори фонда қўллаш вегетация охирида, ўсиши ва ривожланишида кўсаклар сонининг шаклланишини бир оз сустлашиши ва эрта очилишига сабаб бўлиши аниқланди.

Минерал ўғит меъёрларини турли муддатларда қўллаш ғўзани «Наманган-77» навини ҳосилдорлигига ўзига хос таъсир кўрсатди. Паст ўғит меъёри  $N_{200}P_{140}K_{100}$  қўлланилган 1-вариантда ўртача ҳосил А-омил таъсирида 32,0 ц/га, Б-омил таъсирида эса 33,4 ц/га ташкил қилган. Ўрта меъёрда, яъни 2-вариантда А ва Б-омил таъсирида бу кўрсаткич мутаносиб ҳолда 39,5 ва 40,8 ц/га бўлиб, Б-омилда 1,3 ц/га ортиқ бўлган. Юқори ( $N_{300}P_{210}K_{150}$  кг/га) меъёрда

ўғит қўлланилганда ҳам Б-омилда, яъни икки муддатда ғўзани озикалантирилганда ҳосил А-омилдаги ҳосилдан (42,2 ц/га) 0,3 ц/га кўп, яъни 42,5 ц/га ташкил этди.

Толани узунлиги ва тола чиқиши ҳамда бир дона кўсак пахтаси ва минг дона чигит вазни бўйича 3 йиллик маълумотлар кўрсатишича, ўғит меъёрларини миқдорига қараб кўпайиб бориши, қўллаш муддатларига боғлиқ равишда бир меъёрда ўзгаргани пахта толасининг технологик хусусиятлари 2 ва 3-вариантларнинг Б омилида нисбатан яхши бўлганлиги аниқланди. Бу вариантларнинг Б омилида тола узунлиги ўртача 33,8 мм, тола чиқиши 38,3-39,1 % ни, бир дона кўсак вазни ўртача 5,8-6,0 грамм, 1000 дона чигит вазни эса 115,83-116,07 граммни ташкил қилиб, А омилга нисбатан толанинг узунлиги 0,3-0,2 мм, тола чиқиши 0-0,87 фоизга юқори эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Минерал ўғитларнинг ғўза навларини ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш**» деб номланган бешинчи боби бешта бўлимдан иборат бўлиб, «*Тупроқда ҳаракатчан озика элементлар миқдорини, нав ва ўғитлар миқдорига боғлиқлиги*» деб номланган биринчи бўлимида минерал ўғитлар таъсирида тупроқнинг ҳайдалма қатламида ҳаракатчан озика элементлар динамикаси бўйича маълумотлар келтирилган. Бунга кўра, май ойининг бошида тупроқнинг ҳайдалма қатламида (0-30 см) назорат вариантыда нитрат миқдори энг кам - 18,7 мг/кг ни, ҳайдалма ости (30-45 см) қатламда эса 12,0 мг/кг ташкил қилди. 2, 3, 4-вариантларда ҳайдалма қатламида нитрат миқдори май ойида мос равишда 48,8, 46,7, 44,9 мг/кг ни ташкил қилган бўлса, июнь, июль ойларида май ойига нисбатан кўпайган. Буни экиш олдидан, экиш билан бирга ва 3-4 чинбарг даврларида ўғит қўллаш билан боғлаш мумкин. Кейинги вариант, яъни ўғит меъёри  $N_{250}P_{150}K_{150}$  кг/га қўлланилганда юқоридагига ўхшаш ҳолат қайд қилинди. Май 55,4 мг/кг, июнь 60,3 мг/кг, июль 56,2, август 32,7 мг/кг, сентябрь 31,3 мг/кг ни ташкил қилди. Шундай тупроқ муҳитида энг юқори ҳосил шаклланиган ва тупроқда нитрат миқдори кўпроқ қолди. Йиллик фосфор миқдорининг 70 фоизи шудгор остига берилган бўлишига қарамасдан, барча вариантларда ҳаракатчан фосфор миқдори экиш пайтигача кам даражада бўлиши кузатилди. 1-вариантда кутилгандек тупроқни ҳайдалма қатламда, яъни 0-30 см да 2-3 чинбарг чиқариш даврида 16,4 мг/кг ни, ҳайдалма ости (30-45 см) да 13,8 мг/кг га тенг бўлган. Кейинги шоналаш ва гуллаш даврларида ҳам камайиб бориб, ўсув даврини охирида ҳайдалма қатламда вариантлар бўйича энг кам 12,4 мг/кг ни, ҳайдалма остида 10,7 мг/кг ни ташкил қилди. Азотли ва калийли минерал ўғитларга фосфорли ўғит қўшиб қўлланилганда ўсимликни шоналаш даврида, фосфорни миқдори деярли тупроқда ўзгаришсиз бўлди. Бироқ, тупроқда ҳаракатчан фосфор миқдори ўғит меъёри ортиши билан кўпайди, хусусан, гектарига 100 кг фосфор қўлланилган 2-вариантда 30,0 мг/кг ни, 3, 4 ва 5-вариантларда ҳаракатчан фосфор миқдори 31,2-32,8 мг/кг бўлди. Алмашинувчан калийни энг кўп миқдори  $N_{250} P_{150} K_{150}$  кг/га нисбатларда қўлланилган 5-вариантда кузатилди.

Бунда 2-3 чинбарг чиқариш даврида 261,9 мг/кг, ўсув даврини охирида эса 172,0 мг/кг га тенг бўлди.

Мазкур бобнинг «Ўғит меъёрлари ва чигит унувчанлиги ўртасидаги ҳамда минерал ўғит меъёрлари ва ғўза навларининг барг сатҳи ўртасидаги муносабат» деб номланган иккинчи ва учинчи бўлимларида минерал ўғитларни ғўза навларининг уруғларини унувчанлигига ҳамда барг сатҳини ўлчамларига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Чигитни униб чиқишини навлар бўйича таққослайдиган бўлсак, «С-6524» бошқа навлардан униб чиқиш бўйича бироз устунликка эга бўлди. Кейинги ўринларни «Наманган-77», «Андижон-37», «Султон» ва «Бухоро-6» навлари эгаллади. Ушбу жараёни минерал ўғитлар таъсири бўйича таққослаганимизда ўғит меъёрлари ошиб бориши унувчанликка сезиларли ижобий таъсир қилмасдан ўртача муносабатда бўлган, яъни тупроқ шаъроитлари, ҳарорати, намлик омиллари ва навларнинг генотипик хусусиятлари қаторида озика элементлар миқдори бир мунча ижобий таъсирда бўлиши кузатилди. Ғўза ўсимлигида барглارнинг сони ва сатҳининг энг юқори миқдори унинг ривожланишининг кўсаклаш босқичида рўй берди. Ўсимлик ривожланишининг ушбу босқичида фосфорли ўғитларнинг самарадорлиги янада яққол кўзга ташланади. Масалан, кўсаклаш даврида барча вариантлар ўсимликларининг барг сатҳи ғўзанинг гуллаш давридагига нисбатан деярли икки баравар кўпайиб ортиб бориши кузатилди. Ўтказилган тажрибалар натижаларидан ва фенологик кузатувлар асосида ўрганилган ғўза навларининг минерал ўғитларга нисбатан барг сатҳларининг шаклланиши бўйича қуйидагича жойлаштиришимиз мумкин: «Наманган-77»> «С-6524»>«Андижон-37»>«Бухоро-6»>«Султон».

Мазкур бобнинг «Ғўза навларини ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларини шаклланиши ҳамда ҳосилдорлигига минерал ўғитлар меъёри ва нисбатининг таъсири» деб номланган тўртинчи бўлимида турли агрофонларни ғўза навларининг бўйи, барг сони, ҳосил элементларини шаклланишига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Олиб борилган тадқиқотни натижалари ғўзанинг асосий поясининг баландлиги, барг сони ва ҳосил элементларини шаклланиши ва ҳосилдорлиги озикаланиш фони ва навнинг генотипик хусусиятларига боғлиқлиги аниқланди.

Ўсимликнинг бўйи жиҳатдан энг юқори кўрсаткич сентябрь ойида 5-вариантда «Бухоро-6» нави устунликка эришган бўлса (130,0 см), шу варинатда энг паст кўрсаткич «Андижон-37» навида (110,5 см) қайт этилди.

Барглар сони бўйича ҳам «Бухоро-6» нави 5-вариантда сентябрь ойидаги кузатувда 73,4 донани ташкил этиб, бошқа навлардан бир мунча устунлигини кўрсатди. Энг кам барг сони шу вақтда «С-6524» навида 60,0 донани ташкил қилди. Кузатув ишларни охириги даврига келиб, ғўзалардаги кўп баргларни табиий хазонрезгилик таъсирида тўкилиши ҳисобига барг сони аввалги даврлардагидан камроқ бўлиши кузатилди.

Ҳосил элементлари шаклланиши ва сақланиб қолиши бўйича охири кузатувлар натижаларидан маълумотлар навларда бир биридан фарқ қилиши кузатилди (1-жадвал).

Йиллик ўғит меъёри N<sub>200</sub> P<sub>100</sub> K<sub>100</sub> кг/га дан қўлланилган 2-вариантда бошқа ўғитли вариантларга нисбатан энг кам кўсақлар ҳосил бўлиб, яъни сентябрь ойини бошидаги кузатувда «Бухоро-6» навида 12 дона, «Султон» ва «Андижон-37» навларида 13 дона, «Наманган-77» навида 14 дона ва энг кўп кўсақ «С-6524» ғўза навида 15 дона шаклланди.

